

УДК 37.02

Ш.И.Отажонов, и.ф.д.,

Sh.I.Otajonov, c.e.s.

Инновацион ривожланиш вазирлиги

*Илмий ва инновацион фаолиятга оид дастурларни
шакллантириш ва мониторинг қилиш бошқармаси бошлиги*

Ш.Э.Ибрагимов,

Sh.E.Ibragimov

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник

ахборот маркази етакчи мутахассиси

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ SCIMAGO JOURNAL & COUNTRY RANK
ПОРТАЛИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ФАОЛИЯТ
НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ ВА ХАЛҚАРО НУФУЗЛИ
ЖУРНАЛЛАРДА ИЛМИЙ ЛОЙИҲАЛАР ЧОП ЭТИШ
РЕЙТИНГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимизнинг илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги натижалари ва бошқа мамлакатлар орасида турган ўрни SCImago Journal & Country Rank портали маълумотлари асосида аниқланган ва таҳлил қилинган. Шунингдек, нашр қилинган илмий мақолалар, уларнинг иқтибослари ва хирш индекс (h-index) кўрсаткичлари таҳлил қилинган ҳамда уларнинг сонини ва сифатини оширишда қўшимча таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: Иқтибос, хирш индекс (h-index) , ўзига-ўзи ҳавола, портал, бир хужжатга тўғри келадиган ҳавола сони.

**ANALYSIS OF THE RESULTS OF SCIENTIFIC ACTIVITY
PUBLISHED ON THE SCIMAGO JOURNAL & COUNTRY RANK
PORTAL OF UZBEKISTAN AND INCREASING THE RATING OF
SCIENTIFIC PROJECTS PUBLISHED IN INTERNATIONAL
PRESTIGIOUS JOURNALS**

Annotation: This article identifies and analyzes the results of our country in the field of science and scientific activity and its position among the countries through the Journal & Country Rank portal. The issue of analysis of published scientific articles, their citations, as well as H-index and the development of additional proposals to increase their number and quality was analyzed.

Keywords: Citations, H index, Self-Citations, portal, Citations per document.

1.Кириш. Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон илмий фаолиятни ривожлантириш борасида салмоқли ютуқларга эришиб келмоқда. Мамлакатда олимларга катта эътибор қаратилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Ҳозирги кунда илмий-тадқиқотларни молиялаштиришнинг режали ўсиши билан бир вақтда илм-фан соҳасини назарий жиҳатдан ривожлантириш мақсадида олимларимизни халқаро нуфузли журналларда мақолаларини чоп этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, мамлакатимиз олимлари томонидан халқаро журналларда мақолалар чоп этиш олимларимизнинг билим салоҳиятини ва хориж тажрибасини ўрганишга ҳамда мамлакатимизнинг илм-фан соҳасини ривожлантириш учун ҳам фойдали ҳисобланади.

Web of Science ва Scopus халқаро маълумотлар базалари томонидан индексация қилинган хорижий журналларда ўзбек муаллифларининг илмий мақолалари сони ортиб бормоқда. Scopus бу илмий адабиётларнинг ўз ичига олган энг йирик маълумотлар базаларидан биридир. Ушбу маълумотлар базасига киритилган индексланган журналларда нашр этилган илмий мақолаларга қўйилган маҳаллий олимларимизга катта масъулият юклайди. Web of Science ва Scopus маълумотлар базасида мавжуд бўлган журналларда чоп этилган ишларни таҳлил қилиш орқали барча мамлакатларнинг илм-фан ва илмий фаолияти натижалари бўйича кўрсаткичларини аниқлаш мумкин. Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш учун

ишлаб чиқилган кўплаб порталлар ҳам мавжуд ва бу порталлар орқали ҳар бир мамлакат ўзининг илмий салоҳиятини аниқлаб олиши мумкин.

2.Асосий қисм. Бугунги кунда мамлакатимизда олимлар ва уларнинг илм-фан соҳасидаги изланишлари ва ижодлари сон ва сифат жиҳатдан ривожланмоқда. Мамлакатнинг илм-фан ва илмий фаолият соҳасини натижаларини кўриш учун ҳозирда халқаро нуфузли журналларни ўз ичига олган Scopus базасига мурожаат қилишимиз мумкин. Чунки, ҳозирги кунда ушбу маълумотлар базасига киритилган индексланган журналда нашр этилган илмий мақолалар бошқа нашрлардан кўра кўпроқ обрўли ҳисобланади. Scopus базасига киритилган индексланган журналларда мақола чоп этиш бизнинг олимларимиз учун ҳам ҳар томонлама фойдалидир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник ахборот маркази томонидан илк маротаба республикаимиздаги ёш олимлар учун бепул 3 ойлик “English for Science” пилот ўқув курси йўлга қўйилди. Ушбу курс унинг қатнашчиларига ўз илмий мақолаларини инглиз тилида тайёрлаш, халқаро илмий журналларда академик ёзув қўллаган ҳолда мақола нашр этиш ва илмий конференцияларда ўз маърузалари билан иштирок этишларида ижобий туртки бўлди десак муболаға бўлмайди. Мазкур дастурнинг мақсади Web of Science, Scopus, Springer, Wiley каби етакчи илмий мақолалар базасидан олимларимизнинг фойдаланиш даражасини оширишдир. Айнан мазкур маълумотлар базаларида энг кўп илмий тадқиқотлар натижалари эълон қилинади ва уларнинг аксарияти инглиз тилида тақдим этилади. Шунингдек, лойиҳа иштирокчилари ўзларининг илмий мақолаларини халқаро илмий журналларга тайёрлаш ва у ерда чоп этириш кўникмасини эгаллайдилар. Бундан ташқари, тадқиқотчиларнинг академик инглиз тилини ўрганишлари уларга молиялаштиришнинг хорижий манбаларини қилдириб топиш, яъни

грантларга ариза беришга ҳамда тадқиқотлари натижаларини тижоратлаштиришга ёрдам беради.


Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурини ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097 сонли “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони тасдиқланган бўлиб, мазкур Фармон Ўзбекистонда Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мақсадли кўрсаткичларига эришиш учун ўз ҳиссасини қўшади.

SCImago Journal & Country Rank бу Scopus маълумотлар базасида (Elsevier B.V.) мавжуд бўлган маълумотлар асосида ишлаб чиқилган мамлакатларнинг илмий кўрсаткичларини ўз ичига олган оммавий порталдир. Ушбу кўрсаткичлардан илмий соҳаларни баҳолаш ва таҳлил қилиш учун фойдаланиш мумкин. Журналларни солиштириш ёки алоҳида таҳлил қилиш ҳам мумкин. Шунингдек, бу портал мамлакатлар рейтингларини таққослаш ёки алоҳида таҳлил қилиш имконини ҳам беради. Ушбу порталда иқтибослар маълумотлари ва 5000 дан ортиқ халқаро ноширларнинг илмий изланишлар натижаси кўрсаткичлари бўйича маълумотлар жамланган. Бу кўрсаткич 1996 йилдан буён Scopus маълумотлар базасидаги журналларнинг ҳолатини ва ўрнини кўрсата

бошлаган. SCImago – бу визуализация техникаси ёрдамида маълумотларни таҳлил қилиш, намойиш этиш ва қидиришга қаратилган Granada университетининг Consejo Superior de Investigaciones Científicas (CSIC) тадқиқот гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган платформа ҳисобланади.

SCImago гуруҳи томонидан SCImago Journal & Country Rank платформаси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг мақсади Scopus базасида индексланган журналларда чоп этилган мақолаларнинг сонини, уларнинг иқтибосларини, хирш индексининг статистик маълумотларини кўрсатиб бериш, мамлакатларнинг илмий салоҳиятини кўрсатиш ва уларни бошқа давлатлар билан таққослаш имконини берувчи платформадир. Ушбу платформа маълумотларини ишлаб чиқишда ва сайтга жойлаштиришда асосан Scopus маълумотлар базасига таянилади. Scopus маълумотлар базасига киритилмаган бирон бир журнал бу портал маълумотларини шакллантириш жараёнида иштирок этмайди. Ўзбекистоннинг илм-фан соҳасидаги натижа ва кўрсаткичларини статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиш ва аниқлашнинг бир қанча кўриниши бор. Бунда: умумий чоп этилган хужжатлар, иқтибослар ёки хирш индекси орқали ифодалашимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг илм-фан соҳасидаги натижаларини ва бошқа давлатлар орасидаги ўрнини аниқлаш учун SCImago Journal & Country Rank портал маълумотларидан фойдаланишимиз мумкин.




Манба: [https://www.scimagojr.com/comparecountries.php?ids\[\]=uz](https://www.scimagojr.com/comparecountries.php?ids[]=uz)

**1-расм. 1996-2019 йилларда ўзбек олимлари томонидан чоп
этилган илмий мақола ва тезислар динамикаси.**

Ушбу маълумотларга асосан 1996 йилда Scopus базасига кирган индексланган журналларда ўзбек олимлари томонидан 400 га яқин мақола ва тезислар чоп этилган. Бу кўрсаткич 2016 йилга қадар бир маромда ўсиш тенденциясини сақлаб қолиб, 600 яқин ҳужжатларни ташкил қилган. Кейинги йилларда ўсиш суръати анча кўтарилган бўлиб, 2019 йилда бу кўрсаткич

1477 ни ташкил қилган. Бу эса 1996 йилга нисбатан 2.8 баробар кўп деганидир. Аммо, бу вақтда эса портал маълумотларига кўра 1-ўринда Хитой кўрсатилган бўлиб, Хитой олимлари томонидан 684048 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган. Қизиқарли томони шундаки, 2019 йилда Хитой олимлари томонидан Scopus базасида индексланган журналларда чоп этилган мақолалар сони бизни мамлакатимизга қараганда 463 маротаба кўп деганидир. Жадвал маълумотларига асосан шуни айтиш мумкинки, ўтган 20 йил давомида илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги натижаларда ўсиш тенденцияси кузатилмаган. Аммо, бу кўрсаткичлар

илмий фаолиятни рағбатлантириш туфайли охириги йилларда анча кўтарилган.




Манба: <https://www.scimagojr.com/countryrank.php?order=ci&ord=desc>

2-расм. Илмий мақола ва тезисларга берилган иқтибослар динамикаси.

Юқоридаги маълумотларга қарайдиган бўлсак, 2019 йилда ўзбек олимлари томонидан Scopus базасида индекланган журналларда чоп этилган мақола ва тезисларга берилган иқтибослар 88555 тани ташкил қилган. Бу кўшни давлатлар орсиди 2-ўринни кўрсатади. Мисол учун, Қозоғистон ушбу кўрсаткич бўйича етакчи ўринларни эгаллаган. Қозоқ олимларининг илмий ишларига берилган иқтибослар сони бизни натижаларга нисбатан 46519 тага кўп деганидир ва ушбу кўрсаткич 2019 йилда 1355074 тани ташкил қилган. Умуман олганда мақола ва тезисларга берилган иқтибослар сони бўйича энг юқори кўрсаткич АҚШ да қайд этилган ва 339229687 тани ташкил қилган. Хар бир мақолага бериладиган иқтибослар сонини ошириш учун мақола мураккаб, илмий асосланган ва маълум фан йўналишидаги муоммоларни ечимига қаратилганлиги муҳим рол ўйнайди. Бу борада Америка олимлари томонидан чоп этилган

мақолаларига келтирилган иқтибослар сонининг кўплиги мақоланинг чуқур таҳлил қилинганлиги ҳамда илмий-назарий асосларга эгаллигига ҳам боғлиқ ҳисобланади.



Манба: <https://www.scimagojr.com/countryrank.phpyear=2019&orderh&ord=desc>

3-расм. 2019 йилда H-index кўрсаткичи, мамлакатлар кесимида.

H-index кўрсаткичи бу муаллифнинг илмий натижаларининг самарадорлигини баҳолаш ва таққослашда фойдаланилади. H-index орқали муаллифнинг нашр этган илмий мақола ва тезислари сифати ҳаволалар сони билан боғлиқ ҳолда ҳисобланади. Юқорида келтирилган жадвал орқали ўзбек олимлари томонидан Scopus базасида мавжуд журналларда нашр қилинган мақолалари бўйича H-index кўрсаткичини кўришимиз ва бошқа мамлакатлар билан таққослашимиз мумкин.

SCImago Journal & Country Rank портали маълумотларига кўра, Ўзбекистон 2019 йилда мамлакатлар ўртасида 129 ўринни эгаллаб, H-index кўрсаткичи 94 ни ташкил қилган. Шу билан бир вақтда Ўзбекистонни H-index кўрсаткичи бўйича Буюк Британия ва Америка Қўшма штатларига таққослайдиган бўлсак, мамлакатимиз анча паст кўрсаткични ташкил

қилган. Чунки, Буюк Британия олимлари томонидан чоп этилган илмий нашрларнинг H-index кўрсаткичи 1487 ни ташкил қилган бўлса, Америка Қўшма штатларида ушбу кўрсаткич 2386 ни ташкил қилган. Бу эса келтирилган порталда биринчи ўринни эгаллаган. Аммо, Ўзбекистоннинг ушбу кўрсаткичи Қирғизистон ёки Афғонистон давлатларига қараганда анча баланд бўлиб, Афғонистон учун ушбу кўрсаткич 60 ни ташкил қилган.

3.Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўзбек олимлари томонидан Scopus маълумотлар базасида қайд этилган ва индексланган журналларда илмий мақола нашр қилиш сони олдинги йилларга қараганда анча ўсган. Аммо, бу кўрсаткичларни европа мамлакатлари билан таққослайдиган бўлсак, халқаро нуфузли журналларда илмий мақолалар чоп этиш бўйича анча орқадалигимиз кўринади.

Мамлакатимизда илм-фан соҳасини ривожлантириш ва илмий мақолаларни сонини ва сифатини оширишда ҳамда ушбу мақолаларни Scopus маълумотлар базасига кирган журналларда чоп этиш учун ёш малакали кадрларни илм-фан соҳасига жалб қилиш самарали йўللardan биридир. Чунки, хорижий нуфузли журналларда мақола кўп ҳолларда инглиз тилида чоп этилади. Агар олимларимиз хорижий журналларда инглиз тилида мақола нашр этса ушбу мақолалардан олинadиган ҳаволалар сонининг ошиши эҳтимоли юқори бўлади. Чунки, Scopus базасига кирган индексланган журналларда аксарият илмий мақолалар инглиз тилида чоп этилади ва инглиз тилида чоп этилган мақола бошқа мамлакат олимлари томонидан ҳам фойдаланилиши мумкин. Натижада, олим юқори H-индексига эга бўлиш имконияти яратилади.

Илмий мақолаларни Scopus базасидаги индексланган журналларда қандай мақола чоп этиш тўғрисида дастурлар ва тренинг курсларини

ташкил этиш олимларимизнинг бу борада билим ва кўникмаларини оширишда муҳим рол ўйнайди.

4.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон Фармони Тошкент ш.

Интернет сайтлари

1. <http://www.scimagojr.com>
2. <https://mininnovation.uz>
3. [https:// lex.uz](https://lex.uz)